



220200 Боғот шаҳарчаси, Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Тел: 31-52-807, факс: 31-52-425

2020 йил «24» Март

№ 631к

Боғот шаҳарчаси

Қипчоқ қишлоғи ҳудудида фаолият кўрсатаётган “Рахимбой Дилмурод Шахзодбек” фермер хўжалигига қўшимча узоқ муддатли ижарага ер участкаси ажратиб бериш тўғрисида.

Қипчоқ қишлоғи ҳудудида пахтачилик-ғаллачилик йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган “Рахимбой Дилмурод Шахзодбек” фермер хўжалиги бошлиғи М.Қўчқарованинг фермер хўжалигига қўшимча ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокими номига йўллаган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаларини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6,53-моддаларига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти” тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қипчоқ қишлоғи ҳудудида пахтачилик-ғаллачилик йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган “Рахимбой Дилмурод Шахзодбек” фермер хўжалигига Қипчоқ қишлоғи ҳудудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 1205-контурдаги умумий ер майдони 0,7 гектар, шундан 0,1 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,2 гектар йўллар остидаги, 0,2 қурилиш остидаги 0,2 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкасини қўшимча ижарага ажратиб бериш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосаси маъқуллансин.

2. “Рахимбой Дилмурод Шахзодбек” фермер хўжалиги (бошлиғи М.Қўчқарова)га Боғот тумани ҳокимининг қарори билан ажратиб берилган 1305, 1310, 1342, 1362, 1372, 1373, 1375, 1376, 1377, 1378, 1381, 1385, 1386, 1387, 1388, 1389, 1390, 1391, 1392, 1396, 1307к, 1309к, 1341к, 1361к, 1382к, 1383к-

контурлардаги жами 110,1 гектар, шундан 97,4 гектар экин ери, 2,3 гектар мева боғи, 0,9 гектар узумзор, 7,0 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 1,3 гектар йўллар остидаги, 0,82 гектар қурилиш остидаги, 0,38 гектар кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиғна бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкасига кўшимча 1205-контурдаги умумий ер майдони 0,7 гектар, шундан 0,1 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,2 гектар йўллар остидаги, 0,2 қурилиш остидаги 0,2 гектар кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкаси билан умумий ер майдони 110,8 гектар, шундан 97,4 гектар экин ери, 2,3 гектар мева боғи, 0,9 гектар узумзор, 7,1 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 1,5 гектар йўллар остидаги, 1,02 гектар қурилиш остидаги, 0,58 гектар кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар билан банд бўлган ер участкаси қолган (40 йил) муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. “Рахимбой Дилмурод Шахзодбек” фермер хўжалигига кўшимча ер майдони ажратиб берилиши муносабати билан Боғот тумани ҳокимининг қарори билан “Рахимбой Дилмурод Шахзодбек” фермер хўжалигига ер майдони ажратиб бериш қисми ва ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномаси бекор қилинсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Норбоев)га фермер хўжаликларига кишлок хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чикувчи вилоят комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, вилоят ҳокими қарори қабул қилингандан кейин туман ҳокими билан “Рахимбой Дилмурод Шахзодбек” фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш, рўйхатга олиш ва ер участкасини жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

5. “Рахимбой Дилмурод Шахзодбек” фермер хўжалиги (бошлиғи М.Кўчқарова)га ажратиб берилган ер участкаси атрофларини бегона ўтлардан тозалаб бориш, ариқ бўйларига тут кўчатлари ўтказиш ва уларга қаровни белгиланган муддатларда амалга ошириш доимий вазифа қилиб белгилансин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи фермер хўжаликларига кишлок хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чикувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев

